

Олим ҚАҲОМОВ



**ЎЗБЕК ШОМОН  
МАРОСИМ ФОЛЬКЛОРИ  
ПОЭТИКАСИ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА  
АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

Олим ҚАЮМОВ

# ЎЗБЕК ШОМОН МАРОСИМ ФОЛЬКЛОРИ ПОЭТИКАСИ

*Монография*

Тошкент  
“IQTISOD-MOLIYA”  
2021

УЎК: 398.5:256(575.1)  
КБК: 82.3(5Ў)

**Масъул муҳаррир:** **Жашпор ЭШОНҚУЛОВ**  
*филология фанлари доктори, профессор*

**Тақризчилар:** **Салимахон МИРЗАБВА**  
*филология фанлари доктори, профессор*  
**Дилшод РАЖАБОВ**  
*филология фанлари доктори*  
**Санъат САРИЕВ**  
*филология фанлари доктори*

**Қ 33** **Ўзбек шомон маросим фольклори поэтикаси:**  
*Монография / О. Қаюмов; – Т.: "Iqtisod-Moliya", 2021. – 140 б.*

Қадимий эътиқодий қарашларимизни бағрида опичлаб асрлар оша авлоддан авлодга етказиб келаётган фольклор асарлари ўзига хос муҳим маънавий хазинадир. Мазкур монографияда ўзбек шомонлари амалиётида қўлланилаётган маросимлар ва уларни ўтказиш жараёнида ижро этиладиган турли жанрлардаги асарларнинг бадийий малоҳати, шомон ҳомийлари, пари, Анбар она, Боболарнинг мифологик талқини ва бадийий таҳлили тарихий-қийсий аспектда ёритилган.

Китоб этнография, фольклоршунослик соҳаларида тадқиқот олиб боруни тадқиқотчилар, докторантлар, магистрантлар, университетлар ва педагогика институтлари филология факультетлари талабалари ҳамда маънавий қадриятларимиз сарчашмалари билан қизиқувчи кенг китобхонларга мўлжалланган.

*Мазкур монография Алишер Навоий номидаги ТДУТАУ Илмий-техник кенгашида муҳокама қилиниб, 2021 йил 29 ноябрдаги 8-сонли байномаси билан нашрга тавсия этилган.*

УЎК: 398.5:256(575.1)  
КБК: 82.3(5Ў)

ISBN 978-9943-7650-1-6

© О.Қаюмов, 2021  
© "IQTISOD-MOLIYA", 2021

## Муқаддима

*Ушбу китобимни мени ўзбек мифологиясининг сирли оламига етаклаган, улуғ устозим – ўзбек фольклоршунослигининг етук тадқиқотчиси, филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими – Маматқули Жураевнинг ёрқин хотирасига бағишлайман.*

Маънавий жиҳатдан баркамол ёш авлодни тарбиялаб юнга етказишда аждодларимизнинг асрлар давомида шаклланган бадийий анъаналари ғоят муҳим амалий аҳамият касб этади. Бадийий тафаккур тараққиётининг тадрижий ривожиди давомида яратилган маънавий қадриятлар тизимида халқимиз турмуш тарзи, миллий анъаналарининг ўзига хослиги, ғоявий ва эстетик қарашлари ўзининг бетақрор поэтик ифодасини топган. Шунинг учун ҳам фольклор халқ қалбининг кўзгусидир. Халқ оғзаки ижоди асарларининг бадийий матн намунаси сифатида монографик жиҳатдан тадқиқ этиш миллатнинг ўзига хос эстетик анъаналари моҳиятини тушунишга имкон беради.

Халқ оғзаки ижоди бадийий анъаналар тизимида поэтик тафаккур тараққиётининг қуйи қатламига мансуб бўлган ирраиқ сюжетлар, эпик мотивлар ва мифологик инончлар билан туғиш образлар силсиласи алоҳида ўрин тутлади. Мифологик образларнинг тарихий асослари, бадийий фикр ривожининг турли босқичларидаги эпик талқинлари ва эволюцияси каби масалаларни ўрганиш назарий фольклоршунослигимизнинг долзарб йўналишларидан бирини ташкил этади.

Ўзбекистон миллий истиқлолга эришганидан кейин ўзбек фольклоршунослиги ҳам янги тараққиёт босқичига кўтарилди.